O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«Юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, улкан бунёдкорликлар — фаровон ҳаётимиз асосидир».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 26-iyul • Payshanba • 88 (27.733) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ўзбекистон овози»нинг «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл қурилишидаги мухбирлик постидан журналист Сувонқул РУСТАМОВ ҳикоя қилади.

«АСР ҚУРИЛИШИ»

ТУГАЛЛАНИШИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ

Йўллар илгари замонда ҳам, бугун ҳам элларни элларга, дилларни дилларга туташтирувчи энг муҳим восита бўлиб келган ва ўз мазмун-моҳиятини йўқотмайди ҳам. Аксинча, бугунги глобаллашув шароитида янада катта аҳамият касб этишини даврнинг ўзи исботлаб турибди.

«Ишончим комилки, сизларнинг матонатингиз, билим ва маҳоратингиз билан барпо этилаётган мана шундай катта-катта йўллар ўзининг ёруғ келажаги сари интилаётган мамлакатимиз, халқимиз олдида янги истиқбол уфқларини очиши муқаррар», деган эди ўзларининг бир мурожаатларида Юртбошимиз мамлакатимизда ягона миллий транспорт тизимини яратаётган қурувчилар меҳнатига юқори баҳо бериб.

Ҳар гал «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилишига хизмат сафари юзасидан борганимда бири-биридан чаққон йигитларнинг хатти-ҳаракатини кузатарканман, улар юқоридаги сўзларнинг моҳиятини ҳаммадан кўра кўпроқ англаётгандай туюлади. Тасаввур қилинг: шаҳар ва қишлоқларимизда ёзнинг бугунги жазирамасини соя-салқинда ўтказаётганлар куннинг иссиғидан нолиб, ўзларини қўярга жой тополмайди. Қурувчилар-чи? Улар учун тун билан куннинг, қиш билан ёзнинг фарқи йўқ. Матонат ва жасорат билан, чин юракдан ишламоқдалар.

Туни билан осмонўпар тоғтошларда, дараларда мураккаб шароитларда уларнинг меҳнат қилишларини кўрмаган одамга бу ҳақда сўзлаганинг билан барибир тўлиқ тасаввур бериш қийин. Аммо қудратли «Шантуй» ва «Либкер» бульдозерларининг ҳар бирига ўрнатилган ўнга яқин чироқлар бутун теварак-атрофни чароғон қилиб юборади. Ҳайдовчидан фақат эпчиллик ва довюраклик талаб этилади, холос. Норқул Остонов, Обиджон Рўзиев, Менглимурод Хўжақулов, Ражаббой Абдурахмонов, Маннон Халилов, Фахриддин Давронов, Ҳаётжон Толибов каби бульдозерчилар, Исомиддин Исломов, Очил Файзиев, Рашид Эшмуродов, Фарҳод Рўзиев, Олег Товбаев, Улуғбек Исмоилов, Шоназар Махсиддинов сингари экскаваторчилар, геодезиячи Вячеслав Юн, Ўроз Муқимовлар билан суҳбатлашамиз. Уларнинг ҳар бири мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келиб ишлашяпти.

2-бет



СУЛАЙМОН ЛИ ХЭНГ-ЛЭ:

«Диний бағрикенглик ва тинч-тотувлик юртингизнинг энг катта ютуғидир»

Кореяда ислом динига эътиқод қилувчиларнинг сони кўп эмас — бир неча ўн минг киши, холос. Шундай бўлишига қарамай, ушбу юртда айни пайтда ислом дини ўсиб бораётган динлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда Корея ислом институти фаолият кўрсатади. Жанубий Кореядаги энг катта масжид — Сеул марказий масжиди бўлиб, у 1976 йилда барпо этилган. Ҳозирги кунда унда нафақат корейс, балки инглиз ва араб тилларида ҳам ваъзлар ўқилади.

Кореялик мусулмонлар ислом дунёсида кечаётган жараёнларни диққат билан кузатиб боришади. Шу боис Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилиниши уларнинг ҳам диққат марказидан четда қолгани йўқ. Бу қувончли воқеа муносабати билан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Сеул марказий масжиди имоми Сулаймон Ли Хэнг-лэ билан учрашганида имом ҳазратлари Ўзбекистоннинг мусулмон дунёси тарихида ҳамда замонавий дунёда тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Биз Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилгани ҳақидаги хабардан жуда қувондик, — деди жаноб Хэнг-лэ. — Мазкур қарор нафақат мусулмон мамлакатларида, балки бутун дунё миқёсида катта аҳамият касб этади. Маълумки, Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг, жумладан, мусулмон маданиятининг ўчоқларидан бири ҳисобланади.

Биз Ўзбекистонда аждодлар маданий меросини тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан яхши хабардормиз. Кўплаб буюк олим ва мутафаккирлар туғилган ва фаолият юритган муқаддас қадамжолар қайта тикланиб, ободонлаштирилмоқда. Уларнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, мен барча ўзбекистонликларни бу муҳим воқеа билан чин қалбдан табриклайман.

Эшитишимча, яқинда Тошкентда Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасига бағишланган нуфузли халқаро конференция бўлиб ўтади. Анжуманнинг иши муваффақиятли кечишига комил ишонч билдирган ҳолда унинг иштирокчиларига мусулмон дунёсининг порлоқ келажаги йўлида самарали фаолият кўрсатишларини тилаб қоламан.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятида диний бағрикенглик ва тинчлик-тотувлик тамойиллари ҳукмронлик қилаётгани бизни қувонтиради. Фикримча, бу мамлакатингизнинг энг катта ютуғидир.

«Жаҳон» АА
Сеул.

ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

ИМКОНИЯТ БОР, ШАРОИТ ЕТАРЛИ

фақат биз ундан самарали фойдаланиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, жамиятимиздаги ўрнимизни мустаҳкамлаб боришимиз керак, — дея таъкидлашди Самарқанд, Навоий вилоятларида бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қаноти конференциялари иштирокчилари

Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти қуришда уларнинг ролини оширишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон ХДП қошида «Фаол аёллар» қаноти ташкил этилган эди. Хўш, у ўз олдига қўйган вазифаларни қай даражада уддалаяпти? Нималарга кўпроқ эътибор бериб, қандай йўналишдаги ишларни кучайтириши лозим? Бу ҳақда бўлиб ўтаётган конференцияларда батафсил фикр юритилаяпти.

Самарқандда бўлиб ўтган анжуманда вилоят партия кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари бўлган аёллар ҳам иштирок этдилар. Йиғилганлар аввало, аёл жамиятда нафақат она, уй бекаси, балки олима, раҳбар, сиёсатчи, жамоат арбоби сифатида ҳам намоён бўлиши, бунинг учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилгани, шундай аёллар сони ошиб бораётганини таъкидладилар. ЎзХДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қанотининг олиб борган ишлари ҳақида вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Имомованинг ҳисоботи эшитилди.

Ўтган давр мобайнида вилоят хотин-қизлари ўртасида оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш, учраётган айрим иллатларнинг олдини олишга қаратилган турли тадбирлар ўтказилиб, амалий ишлар қилинди. Партиянинг «Фаол аёллар» қаноти бу ишларда кенг иштирок этди.

Музокараларда «Фаол аёллар» қаноти томонидан амалга оширилиши лозим бўлган яна кўплаб масалалар ўртага ташланди.

2-бет

Суратда: *Самарқандда бўлиб ўтган конференция иштирокчилари.*
Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Шофиркон туманидаги «Асил Анвар» агрофирмаси ўз имкониятларини кун сайин кенгайтирмоқда. Бу ерда энг азиз, энг улуғ байрамимиз — Мустақилликнинг 16 йиллиги арафасида полиэтилен ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Шу билан 6 киши муқим иш жойига эга бўлди ҳамда Россия технологияси асосида бир кунда 1200 килограммгача сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди. Келажакда лойиҳа қувватига чиқиш учун «Шўртангаз»дан зарур миқдорда гранула олишга келишилди.

Шунингдек, агрофирмада тикувчилик цехи ҳам ташкил этилди ва унга 13 нафар хотин-қиз танлов асосида ишга олинди. Айни пайтда агрофирма раҳбарияти россиялик ҳамкорлари билан мева ва узумни қайта ишлаб, шарбат тайёрлаш технологик линиясини келтириб ўрнатиш борасида иш олиб бормоқда. Келгуси йилда эса бу ерда гилам тўқиш цехи ҳам иш бошлайди.

(Ўз мухбиримиз).

«Мен 16 ёшдаман»

«ВАТАНИМГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАМАН»

Бу дунёга одамзот орзу-ҳавас билан келади. Ёруғ ниятлари ила ҳаётга қадам қўяди, келажак мақсадини белгилайди. Мустабид тузум замонида бошимиздан шундай кунлар кечдики, ҳатто фарзандларимиз ҳам бирор каттароқ чўққини орзу қилишдан ўзини тиярди. Чунки у замонларда умидлигича қолиб кетаверарди. Бугун бир ёдга олайлик, бундан ўн беш йигирма йиллар муқаддам бирор-бир ўзбек фарзанди ўз билими ва қобилияти билан дунёга чиқади, кўпчиликни лол қолдиради, деса биров ишонармиди?

Шукрки, мустақиллик юртимизга ёш авлоднинг ана шундай орзу-ниятлари ижобат бўладиган саодатли дамларни бошлаб келди. Фарзандларимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганлигини, кам ҳам эмаслигини англаб етдик.

Бугунги қаҳрамонимиз — пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб битирувчиси, ҳуқуқшунослик фани бўйича 2007 йилги фан олимпиадаси ғолиби Умида ҲУСАИНОВА ҳам ана шундай ёшлардан бири.

У 1991 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Абдуҳолиқ Ҳусаинов ҳуқуқшунос, онаси Ойшакар опа эса тарбиячи. Умида уч фарзанднинг кенжаси. Катта опаси Раъно Тошкент давлат юридик институтининг II босқич магистри. Ўртанчаси Феруза Тошкент юридик коллежида таҳсил олади.

Умидалар оиласи ҳуқуқшунослар оиласи бўлганлиги учун ҳам унда ёшлигиданоқ бу соҳага қизиқиш уйғонди. Шу боис мактабда ҳуқуқ фани ўтила бошлаганда у дарсларни пухта ўзлаштиришга, мустақил равишда қўшимча адабиётларни ўқиб, ўз билимини тинимсиз ошириб боришга ҳаракат қилди.

Иқтидорли қиз 2004 йил республика фан олимпиадасида илк бор қатнашиб, ҳуқуқ фанидан туманда биринчи ўринни эгаллади. Шу йили шаҳар босқичида ўз тенгдошлари орасида учинчи ўринга лойиқ деб топилди. 2005-2006 ўқув йилида шаҳар босқичида 1-ўринни эгаллаган Умида келгуси ўқув йилида тўғридан-тўғри шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу йил март ойида бўлиб ўтган республика фан олимпиадасининг сўнгги босқичида Умида ҳар йилгидан ҳам фаол иштирок этиб, ҳуқуқшунослик фанидан 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шу билан бирга у ўз йўналиши бўйича олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилиниш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

Яқинда Умидани таҳририятимизга таклиф этиб, унинг келгуси режалари, орзу-ниятлари билан қизиқдик.

— Тошкент давлат юридик институтига ҳужжат топширдим, — дейди у. — Келажакда етук ҳуқуқшунос бўлиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳисса қўшиш ниятидаман. Мамлакатимизда биз ёшларнинг чуқур билим олишимиз, касб ўрганишимиз учун барча шароитлар яратилган. Бу ғамхўрликка жавобан астойдил ўқиб, изланиб, Ватанимга муносиб фарзанд бўламан...

Яна бир неча кундан сўнг олий ўқув юртларида талабаликка қабул имтиҳонлари бошланади. Умида эса бу синовлардан биринчилар қатори ўтиб, мустақил юртимизнинг талабаси бўлишдек бахтга муяссар бўлди. Биз унинг орзу-ниятлари амалга ошишида омадлар тилаймиз.

Матназар ЭЛМУРОДОВ
Шавкат АКРАМОВ
олган сурат.

БУ ҲАҚДА...

«Бандликни таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларига мувофиқ жорий йилнинг 6 ойи мобайнида жами 314,8 мингта ёки дастурлар кўрсаткичларига нисбатан 114 фоиз иш ўрни ташкил этилди. Меҳнат бозорида фаол снёсат юритиш аҳоли бандлигини 3 фоизга кўпайтиришга ёрдам берди ва иш билан банд бўлганлар сони 10,6 миллион кишига етди...»

БУ ҲАҚДА *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг 2007 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисидаги ҳисоботида алоҳида қайд этилди.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялаштирилган

Соғлом оила — соғлом жамият асоси

КЕЛАЖАК АВЛОД УЧУН МАСЪУЛЛИК

ИНСОНИЙ БУРЧДИР

«Ҳар қандай миллатнинг, ота-она бўлиш бахти насиб этган ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат бўлиб келган...»

Ислом КАРИМОВ

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон фарзандли бўлиш истагида яшайди, ўзидан зурриёд қолдириш учун ҳаракат қилади, оиласининг тўкис ва соғлом бўлишига интилади. Соғлом авлод тарбияси бугунги кун ва келажак ёшларининг баркамоллиги, жамият тараққиёти, юрт бойлигидир. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб фарзандларимизни соғлом ва маърифатли қилиб тарбиялаш, уларни эл-юрт корига ярайдиган инсонлар этиб вояга етказиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилиб келинаяпти.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши халқимизни улуғлаш ҳамда унинг буюк келажагини таъминлашга қаратилган энг эзгу мақсадлардан бири эди. Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш қисқа муддат ичида амалга ошириладиган иш эмас, балки Президентимиз айтганларидек, узоқ вақт давом этадиган мураккаб жараёндир. Бу жараён ҳар бир инсондан — ота-она ёки оила аъзолари бўладими, жамоатчилик ёки давлат ишида бўладими, қатъи назар, уларнинг ҳар биридан ўз юрти ва унинг ёшларига нисбатан масъуллик, жонкуярлик ва фидойиликни талаб этади.

Соғлом авлодни вояга етказиш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Шу боис, уни бажариш учун аниқ ҳаракат доираси, чегараси ва тайин ижрочиси белгилаб берилди, мазмунмоҳияти ва кўламига яраша маблағ ҳам ажратилди.

Юртбошимиз соғлом авлодни вояга етказиш — олий мақсадимиз деб ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб етишиши учун замин яратаётган экан, бу энг аввало инсонни қадрлаш, ота-оналарнинг орзу-умидларини улуғлаш, Ватанимизнинг, халқимизнинг келажаги учун куюниш, бу йўлда олиб борилаётган амалий ишдир.

Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат ўйланиш одоби ҳақида сўз юритиб, **«Ўйланишнинг буюк мақсади ва фойдаси фарзанддир. Шунинг учун ҳам ўйланмоқчи бўлган ҳар бир йигит ва қиз олдиндан ўзларини бирон-бир билимдон дўхтирга кўрсатишлари лозим. Мабодо биронталари дардларнинг бирига мубтало бўлган бўлсалар, унда иложини олдиндан олишлари жоиздир, шундан сўнг никоҳ қилсалар бўлади. Оиласининг саодати ва роҳатини ўйлаган одам, бу шартларга риоя этиши шарт-дир»,** деган.

Барчамизга маълумки, соғлом ота-онадан соғлом фарзандлар туғилади. Бугун тиббий нуқтаи назардан ёшларимизни катта ҳаётга тайёрлаш борасида ҳам кўплаб саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти.

Соғлом авлод Давлат дастурининг 7-бандида «Оила кодекси»га мувофиқ никоҳгача тиббий кўрикдан ўтиш тизимини барпо этиш ва уни ўтказишда тиббий хизматларни кенгайтириш, биргаликдаги оилавий ҳаётнинг дастлабки беш йилида диспансер назоратини ташкил этиш ҳақидаги муҳим масала ўрин олган.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласи «Оила кодекси»нинг 17-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга кўра никоҳланувчи шахслар соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Мазкур норманинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарорига мувофиқ «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом қабул қилинди. Ушбу Низомга кўра, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишдан мақсад — соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш, ҳар бир ёш оила мустаҳкам пойдеворга эга бўлишга эришишдир.

Низомга мувофиқ, никоҳланувчи шахслар руҳий, наркологик, тери-таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ (ОИТС) юзасидан тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги уларнинг яшаш жойидаги юқорида қайд этилган касаллик мутахассислари (диспансер ва туман кабинетлари) томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари (ФҲДЁ) берган йўлланма бўйича бепул ўтказилади.

Низомнинг 28-бандига биноан никоҳни қайд этишда ФҲДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги ва уларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Никоҳланувчи шахслар никоҳ қайд этилгунга қадар иккинчи томонни тиббий текшириш натижаларидан хабардор қилиши шарт. Тиббий кўрикдан ўтилгандан кейин никоҳ тузилишига қонунда белгиланган монеликлар мавжуд бўлмаса, никоҳ қайд этилади.

Никоҳланувчи шахсларда текшириш натижасида касаллик аниқланса, улар тегишли даволаш муассасаларига юборилади.

Никоҳни қайд этувчи шахслар тиббий кўрик натижалари тўғрисидаги ахборотнинг маҳфийлиги учун жавоб берадилар.

Афсуски, бугун соғлом авлод, соғлом оила вужудга келиши учун давлат ва жамият қайғураётган ҳамда жонбозлик ва масъуллик кўрсатаётган бўлса-да, ҳамма ҳам ўзи учун, келажагини ўйлаб қилинаётган бундай эътиборнинг том маъносини тўлиқ тушуниб етмаётган ҳолатлар ҳам мавжуд. Кўча-кўйда, таниш-билишлар орасида никоҳланувчи шахсларнинг баъзилари тиббий кўрикдан ўтмай, пул эвазига маълумотнома олаётганлари ёки чекка қишлоқларда тиббий кўрикдан ўтиш учун айрим ёшларнинг туман марказига бормасликлари натижасида тиббий кўрикдан ўтмаётганлиги, бунинг устига турмуш қураётганлик ҳолатларининг мавжудлиги кўпчиликни ташвишга солиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этиб ўтилган қарорини амалга ошириш борасида айни пайтда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги муассасалари томонидан туғиш ҳамда никоҳ ёшидаги аёллар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Уларнинг орасида экстрагенитал касалликлари борлари ҳам аниқланаяпти, улар амбулатор ва шифохона шароитларида соғломлаштирилмоқда.

Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, баъзи йигит-қизларимиз орасида ўзларида касаллик мавжудлигини билмаганлари ҳам бўлиб, уларда турли касалликлар, жумладан, сил, руҳий, тери-таносил, гиёҳвандлик, ҳатто ОИВ (ОИТС) касалликлари аниқланмоқда. Тиббий кўрикдан ўтиш давомида хасталиги аниқланган йигит-қизлар эса даволаниб, кейин турмуш қурмоқдалар.

Шу ўринда инсон соғлиғи оила учун улкан бахт, жамият учун катта бойлик эканлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак. Бугун ҳар бир инсон, айниқса янги ҳаёт остонасида турган ҳар бир ёш оила масаласига виждонан ёндашиши жамият учун қанчалар фойда келтиришини чуқур англаши лозим. Биз катталар келажак авлод учун масъулмиз. Шу масъуллигимизни англаш эса инсоний бурчимиздир.

Машкура САФАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

«АСР ҚУРИЛИШИ»

ТУГАЛЛАНИШИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Куни кеча смена алмаштик, — дейди ҳайдовчи Яшин Ниёзов. — Уйга етиб борганингда, дам оладиган кун ҳам бор экан-ку дейсан-да, бир-икки кун ҳордиқ чиқаргандай бўласан. Аммо учинчи-тўртинчи кунга бориб, одам зерика бошлайди. 13-14-кунга бориб «соат санайдиган» бўлиб қоларкансан. «Ишлар қандай кечаяпти экан? Улгуришяптимикин», — деб ўйлай бошлайман. Хуллас, шу йўлни тезроқ қуриб топширсак, бизнинг ҳам юзимиз ёруғ бўлади.

«Кўприккурилиш» трести раҳбари Гофиржон Муҳамедовни Шўроб-Дарбанд оралиғидаги масофада учратдик. Тошкент — Термиз автомагистралининг шундоққина ёнгинасидаги кўприкда иш қизғин.

— Бу иншоот янги линиядаги энг сўнгги кўпригимиз, — дейди трест бошлиғи фахр билан. — Худо хоҳласа, бемалол темир изларни ётқизиб поездларни ўтказишга тайёрмиз. Йигитларимиз кўприкдаги сўнгги пардозлаш ишларини, йўлсозлар юришига мўлжалланган йўлакларни тартибга келтиришмоқда. Темир йўлни ётқизиб келишгунига қадар кўприкни бўшатиб берамиз.

Бурғуловчилар иш бошқарувчиси Анвар Норбоев билан суҳбатимиз ҳам узоқ чўзилмади.

— Энг қийин жойлардан бири бу Кўрҳожи қишлоғи яқинидаги қоя бўлди. Портлатиш ишлари анча мураккаб жараён. Айниқса, бу қояни кўпориш осон кечмади. Бу ердан 7-, 8-гуруҳ тошлари чиқди. Лекин уддаладик.

— Ҳозиргина «Самарқанд» участкасидан келган «КамАЗ»ни янги линияга юбордик, — дейди «Темирйўлёнилғитаъминот» бошқармаси бошлиғи Равшан Раҳимқулов. — Эҳтиёт қисмлар бўйича ҳозирча ҳеч қандай эътироз йўқ.

Ҳали Қаршидан Окработга қараб келаверишда Қарши — Тошгузар, Тошгузар — Деҳқонобод, Деҳқонобод — Чашмаи Ҳафизон — Окработ ва ундан кейинги масофаларда ўнлаб юк вагонларини тортиб келаётган бир нечта поездларга кўзимиз тушди.

— Қурилиш учун Бухоро, Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Қўнғирот ва бошқа станциялардан кетма-кет тайёр темир изларни бир қаторда, республикамизнинг турли карьерларидан кечаю-кундуз қум ва шағал келтирилмоқда, — дейди компания ташиш хизмати бошлиғи Рустам Муҳамедов.

Бухоро минтақавий темир йўл узели бошлиғининг ўринбосари Ғулом Ғуломовни «Навоий» участкасида учратдик. Асосий ишдан бўшаган техникаларимизнинг бир қисмини Шўробга юбордик, қолгани билан ишни бемалол уддаласак бўлади», деди у вазминлик билан. У билан гаплашяпмизу, бир йигитнинг шу яқиндаги тепаликка чиқиб баланд овозда



сўзлашуви қулоққа чалинди: «Мен яхши етиб келдим, онаси! Ўғлимизнинг хужжатларини институтга топширдингларми? Лаббай? Ҳа, яхши қипсизлар, ўзимизнинг университетимизгами? Энди мен... биринчидан кейин бораман. Ўғлимга айт, темир йўлнинг битишига саноқли кунлар қолди. Имтиҳонларига яхшироқ тайёрлансин! Хайр!»

Ажабланманг, янги темир йўл қурилишидаги бульдозерчилар ҳам уяли телефонлардан фойдаланишмоқда. Даромадга яраша буромад-да. «Перлотфектум» уяли алоқа хизмати уларга қўл келмоқда. Ҳа, тарихий бунёдкорлик ишлари — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли тўлиқ фойдаланишга топшириладиган кунларга ҳам оз қолди.

Суратларда: қурилиш жараёнидан лавҳалар.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан эълон қилинган Ижтимоий ҳимоя йилида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламини янада кенгайтириш, эҳтиёжманд оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш, жамиятимизда эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш борасида Тошкент вилоятида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилаётир.

— Аҳолининг кам таъминланган қатлами учун беш юзга яқин корхонада саккиз мингга яқин иш жойи ажратилган эди, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳ.Исамуҳаммедов. — Ўтган давр мобайнида ана шундай фуқаролардан уч мингдан ортиғи иш билан таъминланди. Шу билан бирга кекса ва ногиронлар соғлиғини тиклаш ва ёз мавсумида мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун мингдан ортиқ фуқарога турли сиҳатгоҳларга йўлланма берилди.

— Халқимизга хос меҳр-оқибат, бағрикенглик азалий қадриятлардир, — дейди Янгийўл тумани «Эски Қовунчи» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи меҳнат фахрийси Ф. Атабоева. — Бугун ёзнинг иссиқ кунларида салқин ва оромбахш сиҳатгоҳда ҳордиқ чиқариб, соғлигимни тиклаяпман. Бунинг учун аввало Юртбошимизга минг раҳмат. Бизга кўрсатилаётган беғараз ёрдамлари учун мурувватли юртдошларимиздан миннатдорман.

Жорий йилда Тошкент тумани ижтимоий таъминот бўлими қошида реабилитация воситаларини ижарага бериш пункти иш бошлади. Бунда ҳомий ташкилотлар, саховатпеша инсонларнинг ёрдами катта бўлди.

Вилоят бўйича ўзгалар парваришига муҳтож пенсионерларга уйида ижтимоий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга ана шундай тоифага мансуб фуқароларга саккиз турдаги озиқ-овқат махсулотлари бепул етказиб берилмоқда. Ҳомийлар кўмагида боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексалардан саксон нафарининг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

Яхшиликнинг мукофоти — яхшиликдир

МАТОНАТ

— ДЕСА АРЗИЙДИГАН ИНСОН, «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБАСИ ЗУҲРА РАҲМАТУЛЛАЕВА ОДАМЛАРДАН ҲАР КУНИ РАҲМАТ ЭШИТИБ, ОЛҚИШ ОЛАЯПТИ

Муболағасиз айтаман, бу аёлнинг жони ҳечам қирқта эмас, балки минг биттадир, балки миллионтадир. Ишонинг, мен бор-йўғи унинг уч-тўрт йиллик ҳаёт фаолиятини кузатиб, шундай хулосага келдим. Агар у юрак қатларини бир-бир очса борми... сиз билан менинг юрагим бардош берармикин?

◊◊◊

...1986 йилнинг 25 июль куни қўлига олий маълумотли меъморлик дипломини олган 25 ёшли Зуҳранинг бахт тўйи бўлиб ўтган эди. Шу куни еру осмон қувончга тўлди. Ҳатто авжи саратон бўлса-да, ёмғир шаррос қуйди пойтахтда. Икки тараф келин-қуёвга ширин ҳаёту ажиб толе-иқбол тилади. Икки йилнинг қандай ўтиб-кетгани билинмади. 1988 йили фожиа рўй берди — иккинчи эгизак Ҳасан қутилмаганда қазо қилди...

— Ҳамма бало шундан бошланди. Кўплар эгизакларни бир-бирига боғлаб турувчи тақдир йўллари Яратган томонидан битта қилиб белгиланганини тан олгиси келмайди. Лекин бу оддий ҳақиқатни мана, мен ўз ҳаётимда кўрдим, — дейди Зуҳра опа дилгир оҳангда. — Шу кундан бошлаб бутун вужудимга оғриқ кирди. Оёқларим қақшаб оғрий бошлади. Ҳамма ҳайрон. «Сенга нима бўлди, шамоллаб қолдингми ё? Дўхтирлар нима дейишди?» дея хавотирга туша бошлашди. Қайда, у ёққа чопдик, бу ёққа чопдик, афсус, бутунлай тузалиб кетмадим. 1989 йили ётиб қолдим. Ёлғиз суянчиғим ҳасса бўлди...

Хуллас, Зуҳра опа ота уйига қайтиб келгач, тақдирнинг бу аччиқ синовига қарши қандай курашиш кераклигини ўйлай бошлади. Тушкунликка тушмади. Раҳм-шафқатини ҳадеб уялмай-нетмай юзига ошкор айтадиганларни хушламай эшитар ва ундайларга «илтимос, агар кўнглингизда озгина меҳр бўлса, менга ачинганингиздан ёнимга келманг. Аксинча, далда беринг, яшашга даъват қилинг, яшаганда ҳам бировнинг қўлига қараб қолмаслик йўлларини ўргатинг» дея кескин гапириб ташларди.

Тўрт мучаси соппа-соғ қиз аввал Тошкент шаҳар шаҳарсозлик лойиҳалаш институтида, кейин эса шаҳар архитектура бош бошқармасида архитектор бўлиб ишлаб юрганида ҳаммани тилига тушганди. Бир кунда, бир кечада оёқ-қўллари ўзига бўйсунмай қолганига ҳали-ҳали ишонгиси келмайди унинг. На илож? Барибир унинг ўзигина, сабр-иродаси билангина бу чиғириқдан ўта олишига кўзи етарди. Лекин қандай қилиб?

ЎЗИНИНГ СЎЗЛАРИ: — Биласизми, мен 36 ёшимда икки ой ичида уч марта ТошМИнинг ортопедия бўлимида жуда мураккаб операцияларни бошимдан ўтказдим. Тўққиз ой шифтга термулиб ётдим. Ана ўшанда шеърлар ёздим, қўшиқлар айтдим. Ҳатто опера қўшиқларидан парчалар ҳам хиргойи қилардим. Ўша кунгача кўрганларим ҳолва экан. Бутунлай ётиб қолдим. Умидсизликка туша бошладим. Бир куни телвизорда ногирон одам ишламайдиган оёқ-қўллари билан радио-телеаппаратураларни тузатаётганини кўриб, титраб кетдим. Таъсир қилган жойи, «менга ўхшаганларнинг соғлардан қаеримиз кам, ҳамма иш қўлимиздан келади. Фақат руҳимизни кўтаришса бўлди, ногиронлигимизни юзимизга солишмаса тоғниям талқон қилиб ташлаймиз» деганида...биласизми, руҳим осмон қадар юксалди. Ният қилдим ўзимча: «Э, Худойим, менга куч-ирода, сабр-тўзим бер, одамларга яхшилик қилайин...»

Ота-буваларимиз бежиз «ниятни катта қилинглар, ниятда хосият кўп» демаган экан. Қаҳрамонимизнинг ёруғ нияти ўзига йўлдош бўлди: 1999 йилнинг 1 мартида «Азизим» деб номланган кичик корхона очди. Унга уйида ёлғизликдан чарчаган, бировларнинг қўлига муҳтож бўлиб қолган, бир сўз билан айтганда, имконияти чекланган инсонларни жалб эта бошлаганида устидан очиқчасига кулганлар ҳам бўлди: «Ўзинг бировнинг кўмагига муҳтож бўлсанг, қаерга ҳам борардинг?» Ўқиган одам эмасми, тинмай изланди, соатлаб компьютер олдида ўтирди. Ўзига ўхшаган кўнгли яримлар билан электрон почталар орқали боғлана бошлади. Ана энди ҳаммаёқдан Зуҳра Раҳматуллаева номига хатлар кела бошлади. Айниқса, ўз кичик корхонасида ногирон хотин-қизларга

ҳунар ўргатаётганини эшитганлар ишонибишонмай унинг ҳузурига келишарди.

— Бир йил орасида «Азизим»нинг мухлислари кўпайиб кетди. Нега десангиз, мендан ёрдам сўраб мурожаат қилаётганларнинг аксарияти авваллари тушкунликка тушиб, ҳаётдан умидини узиб қўйган одамлар эди. Ким келса, энг аввало ўз бошимдан ўтган азобларни айтиб берардим. Ўзим гувоҳман, соппа-соғ юрган хотини бирон хасталикка чалиниб қолса, ҳеч иккиланмай «менга касал аёл керакмас» дея ташлаб кетган эркакларни кўриб эзилардим. Энг муҳими, мен уларда ҳаётга бўлган ишонни уйғота бошлаганимда аксарияти «бўлди, эртадан бошлаб биз ҳам сизга ўхшаб боқимандаликдан қутулиш учун курашамиз» деб ёруғ кайфиятда чиқиб кетарди.

Зуҳра Раҳматуллаеванинг табиатида негадир фасллар орасида баҳорга ўзгача муҳаббат бор. Ким билади, балки бу бетакрор фасл-яхшилик улашиш бахтига муяссар бўлди. Бу эзгуликлар нималар экан? — дея сўрашингиз табиий. Яхшиси, ҳаётий мисолларга мурожаат этайлик:

...Беҳзод деган бола боғчага қатнаб юрганида бассейнга йиқилиб тушиб, боши қаттиқ жароҳат олади ва оқибатда ана шу эҳтиётсизлик туфайли тутқаноқни орттиради. Жуда кўп вақт даволанади ва онаси бечора тушкунликка тушиб, ниҳоят, уни Зуҳра опанинг олдига ҳунар ўрганиш учун олиб келади.

— Бир куни Гулнора деган аёл ўғлини ҳузуримга «ўзи тенгилар кун бермаяпти бунга. Ўйинларигаям қўшишмайди «касалсан» деб, нима қилай опажон, ёрдам беринг» деб етаклаб келди. Муштипар онани бирдан тушундим. Боласининг ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқчи. «Сингилжоним, шу болани касал, деб ким айтди сизга? Мана, ҳали кўрасиз, мактабга чиқса, энг аълочи ўқувчи Беҳзод бўлади. Эртадан бошлаб компьютер ўрганишни

ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

ИМКОНИЯТ БОР, ШАРОИТ ЕТАРЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгашига 15 минг 400 нафар аъзо уюшган. Шунинг 4,5 минг нафари хотин-қизлар, ёки Зарафшон шаҳрида 181, Учқудуқ туманида эса атиги 130 нафаргина аёл ҲДП аъзоси. Навоий шаҳри, Хатирчи ва Қизилтепа туманида манзара бошқача. Ташаббускор, фаол, изланувчан хотин-қизлар ҲДП аъзоларининг кўпчилигини ташкил этади. Аксарият туманларда «Фаол аёллар» қаноти номига ташкил этилган. Масалан, Томди, Нурота, Кармана туманларида ташкилотчи, жонкуяр аёлларни бирлаштиришнинг аҳволи яхши эмас.

Биз бу мисолларни яқинда бўлиб ўтган ҲДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қанотининг конференциясида қайд этилган таҳлиллар, хулосалар асосида келтираяпмиз. Ўзини ўзи танқид руҳида ўтган бу анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қизилтепа туманидаги «Валиобод» фермер хўжалиги раиси Раъно Валиева, Навоий шаҳар халқ таълими бўлими етакчи мутахассиси Валентина Жавкараева, ҲДП Хатирчи туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Сайёра Жўраева ва бошқалар сўзга чиқиб, хотин-қизларнинг фуқаролик жамияти қуришдаги ўрни, баркамол авлодни тарбиялашдаги вазифалари хусусида фикр ҳамда мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда Дилбар Имомова ЎзХДП Самарқанд «Фаол аёллар» қаноти раиси этиб қайта сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева сўзга чиқди.

Конференцияда Жамила Пўлатова Навоий вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси этиб сайланди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Бандлик дастури ижросини таъминлаш борасида беқиёс имкониятлар очди.

БАНДЛИК ДАСТУРИ

ИЖРОСИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР, ТАЖРИБАЛАР...

(Иккинчи мақола)

МОЗИЙГА НАЗАР. Биласиз, бизда касаначиликнинг менталитетимизга хос: тикувчилик, тўқимачилик, наққошлик, мисгарлик, сандиқсозлик, созандалик, дурадгорлик, этикдўзлик, пазандалик... сингари турли хил ҳунармандчилик шакллари, азал-азалдан мавжуд.

Шаркда, хусусан Турон заминида аҳоли қадим-қадимдан ёш йигит-қизлари ҳали болалигиданоқ бир касб-ҳунар этагидан тутишга ўргатишган. Мамлакат ривожи ва эл-улус коридан келиб чиқиб, одамлар ўз фарзандларини эҳтиёжли касбларга йўллашган. Авлод-авлоди билан турли хил ҳунармандчилик сулолалари вужудга келган...

Қолаверса, бутун Шарқ аҳли асрлар оша фахр билан тилга олиб келаётган буюк алломаларимиз ва суюкли бобокалонларимиз ҳам ўз ижтимоий, маърифий, илмий, ижодий фаолиятларидан ортиб, муайян бир касб ёки ҳунар соҳиблари бўлишган.

Буларнинг ҳаммаси узоқ ва яқин ўтмишда одамлар ҳунармандчиликка — тирикчилик пойдевори, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт зардевори тарзида қараганликларидан ёрқин далолат.

...Хуллас, ота-боболаримиз, буви-момоларимиз орасида ҳунармандчилик ва касаначилик меҳнати турларининг ўз усталари, чеварлари бўлишган. Улар ҳатто бутун бошли сулолалари билан шундай меҳнат турлари ортидан тирикчилик қилишган. Бу билан аҳоли ўртасида ўзига хос бандлик вужудга келиб, ишсизликка барҳам бериш ва барқарор даромад олиш йўллари қидирилган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ана шу миллий қадриятлар, урф-одатлар, таомил ва анъаналарни давом эттириш, уларни ривожлантириш ҳамда такомилига етказиш йўлида қайта саъй-ҳаракатлар бошланди. Давлатимиз раҳбарининг касаначиликни ривожлантириш йўлидаги Фармони ижросидан кўзланган хайрли мақсад ҳам аслида шу эди ўзи!

Бугунги кунда касаначилик меҳнати турлари қаторига шиддат билан кетаётган замон талабларига мос — қайта ишлаш ва электрон саноати, телекоммуникация, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқлари юмушлари ҳам кириб келмоқдаки, бу ҳол ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, шубҳасиз, саноат корхоналари ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутиб, иқтисодиёт ривожига салмоқли, залворли улуш қўшмоқда. Дангал кўрсаткич: бугунги кунда (2007 йил бошидаги ҳолатга кўра) кичик бизнеснинг ЯИМ — ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этмоқда.

Шу йил 12 февраль куни 2006 йил якунлари ва 2007 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қайд этилганидек, **«биз катта сармоя, маблағ талаб қилмайдиган касаначиликни йўлга қўйиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва ускуналарни қўлидан иш келадиган одамларга, оилаларга бердик. Натижада 60 минг одам, 60 минг оила қўшимча даромадга эга бўлди. Шу одамларнинг, айтиш мумкинки, дунёқараши ўзгарди. Улар энди ўз оиласи, болалари олдида бошини кўтариб яшайди, эл-юрт, Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўшади».**

Зеро, корхона билан касаначи ўртасидаги кооперация алоқасининг ўрнатилиши: **биринчидан** — касаначи оилалар бюджети даромадларини оширишдек муаммони ҳал этди. **Иккинчидан** — иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини қисқартириб, унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини берди. **Учинчидан** — касаначи фаолияти даври (хоҳ у якка тартибдаги касаначи бўлсин) иш стажи ҳисобланиб, пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар олиш ҳуқуқи билан таъминланди. **Тўртинчидан** — касаначи ўз уйида худди оилавий пудратдек вақтдан унумли фойдаланадиган бўлди. Ўзига ҳам фойда, корхонага ҳам... Боз устига, барқарор даромад! Ва ниҳоят, **бешинчидан** — касаначи (айниқса, хотин-қизлар!) уйда — ҳам ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган, ҳам муҳим давлат аҳамиятига эга вазифалардан бири — фарзандлари тарбияси билан машғул бўлиш имконини олди.

— ...Момом, онам ва опамлар чевар каштадўзлар бўлишган, — деб ёзганди ҳали ўтган йилиёқ **шўрчилик** (Сурхондарё вилояти) **касаначи Иқлимой Тошбоева.** — Мен ҳам улар изидан бордим. Қизларим ёнимда... Уч-тўрт ой олдин қишлоғимиз қизларидан ҳам уч нафарини сафимизга олиб, тикиш-бичиш сирларини ўргата бошладим... Биз тикаётган «Чаноқ», «Чамалак», «Ханжар қин» сингари каштали буюмлару «Қасоб дўппи», «Бахши қалпоқ» каби бош кийимларга буюртмалар кўп. Маҳоратимиз ҳам ошаяпти, даромадимиз ҳам. Банкда ўз ҳисоб рақамимиз бор. Ўтган йили 2 миллион сўм соф даромад олдик...

Ёки: ...спорт кўрпача (матрас)лари, қўлқоплар, майкалар, футболкалар тикаман, — дея ҳикоя қилади **Балиқчи туманидаги** (Андижон вилояти) **Хўжаобод МЧЖ корхонаси касаначиси Карматхон Усмонова.** — Корхона материал, хомашё ва ускуналар (ипигнасигача) олиб келиб беради. Буюмларнинг андоза (фасон)лари ва тикиш технологиясига оид стандартлар билан таништиради. Тайёр маҳсулотни ўзлари келиб, олиб кетишади. Мен уйда — ҳам бемалол рўзғор юмушларини бажараман, ҳам фарзандларим тарбияси билан шуғулланаман, уларга ҳунаримни ҳам ўргатиб бораман... Оиламиз бюджетига даромадимиз накд, меҳнат дафтарчам бор, иш стажим ҳисобга ўтади, кексайганда пенсия беришади, нафақа, суғурта оламан...

Таҳририятимизга йўлланган хат-хабарлар орасида Чустнинг (Наманган вилояти) «Сероб» маҳалласидан — дўппидўз **Муҳаббат Абдуллаева,** пичоқ устаси **Муҳаммаджон Абдуназаров,** Қўшработ туманининг (Самарқанд вилояти) Жўш қишлоғидан чевар **Инобат Азизова,** нуроталик (Навоий вилояти) каштадўз **Фазилат Саидова** сингари ўнлаб-юзлаб касаначиларнинг ҳам шундай илиқ сўзларини ўқиш мумкин.

Кўриниб турибдики, истиқлол йиллари Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган **Бандлик дастурига** кўра, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадларини оширишда энг асосий омил, аниқроғи, энг асосий манбалар — кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва халқ ҳунармандчилиги эндиликда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, таомилу анъаналаримиз тарзида мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий негизларига кириб бораётган муҳим секторларга айланмоқда. Айнан улар янги турдаги меҳнат тизимлари шаклида ўзларининг ҳаракатчанлиги ва кам сармоя талаб қилиши билан ишлаб чиқаришни енгил ҳамда тез модернизация қилиш имконини бераяпти. «Ўзбекистон» тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини тобора янгилаб, бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига мақбул тарзда тезда мослашиб олаётир.

Пировардида, биргина «ўтган йили иқтисодиётимизда амалга оширилган таркибий ўзгариш ва ўсиш суръатлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, одамларимизга касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиб бериш, муҳтож оилаларни чорва моллари билан таъминлаш борасида қилинган кўпгина ишлар туфайли мамлакатимизда қарийб 570 мингта иш ўрни яратилди».

Ёки республика ҳукуматининг яқиндагина аниқроғи, 18 июль куни жорий йилнинг биринчи ярми якунлари кўриб чиқилган мажлисида таъкидланганидек, январь-июнь ойларида биргина касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 40,2 минг янги иш ўринлари вужудга келди. Аҳолининг реал даромадлари 21,3 фоизга ўсди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

ЯНГИ РЕЖАГА КЎРА

ЯНА 2 ЙИЛ ҚОЛИШИ МУМКИН

Пентагон томонидан ишлаб чиқилган янги режа АҚШ ҳарбий контингентининг Ироқдаги иштирокини яна икки йилга узайтиришни назарда тутади.

«Интерфакс» АА нинг маълум қилишича, Ироқдаги АҚШ қуролли кучларининг собиқ қўмондони, генерал Жорж Кэйси томонидан ишлаб чиқилган амалдаги режа иш бермаганлиги боис янги режа ишлаб чиқилди. Ироқдаги АҚШ қуролли кучларининг ҳозирги қўмондони, генерал Дэвид Петреус ҳамда АҚШнинг Ироқдаги элчиси Райан Крокер муаллиф бўлган мазкур режа Ироқнинг айрим ҳудудларида 2008 йил ўрталаригача тинчликни ўрнатиш, 2009 йил ўрталаригача эса бутун мамлакат бўйлаб «барқарор хавфсизлик»ка эришишни назарда тутади. Аввалги режа эса хавфсизликни таъминлаш ва назоратни аста-секинлик билан Ироқ ҳуқуқ-тартибот идоралари қўлига ўтказилишини ўз ичига олганди. Бироқ, «The New York Times» газетасида ёзишларича, ироқликлар ҳали бунга тайёр эмас экан, у ерда норози кучларнинг қаршиликлари ҳануз давом этмоқда. Шунинг учун бу режа иш бермади, деб топилди.

Янги режа эса АҚШ президенти Жорж Бушнинг Ироққа қўшимча кучлар жўнатиш (21 мингдан ортиқ) борасидаги режасини ривожлантиради.

ШИФОКОРЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТГАЧ

ПРЕЗИДЕНТ ТОМОНИДАН АФВ ЭТИЛДИ

Хабарингиз бўлса керак, болгариялик 5 нафар ҳамшира ва ливиялик бир нафар тиббиёт ходими устидан Ливия суди чиқарган ҳукм неча йилдан бери халқаро тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Гап шундаки, улар Ливиядаги Бенгази госпиталида ўзлари билган ҳолда 438 нафар болага ОИТС инфекциясини юқтирганликда айбланиб, 1999 йили қамоққа олинган эди. Ливия суди дастлаб уларни ўлим жазосига ҳукм этди. Бироқ ҳукм ижро этилмади, негаки, халқаро тортишувлар авж олиб кетди. Ўтган ҳафта эса Ливия Олий қонунчилик кенгаши ўлим жазосини умрбод қамоқ жазосига алмаштирди. Ҳукмнинг қайта кўрилиши эса 1984 йилда имзоланган маҳбуслар алмашиш тўғрисидаги битим бўйича иш кўришга имкон яратди ва уларни ватанига қайтариш масаласи бўйича музокаралар олиб борилди. Музокараларда Франция президентининг рафиқаси Сесилия Саркози ҳамда Европа Иттифоқининг ташқи алоқалар бўйича комиссари Бенита Ферреро-Вальднерлар иштирок этди.

ОИТС инфекциясидан жабр кўрган ҳар бир бола оиласига Болгария томонидан 1 миллион доллардан, жами 460 миллион доллар товон пули тўлангач, Ливия маъмурияти уларни ватанига қайтаришга, аниқроғи, жазони ватанида ўташларига рози бўлди. Дарвоқе, Франция Бенгази госпиталини таъмирлаш ва янги тиббий жиҳозлар билан таъминлаш мажбуриятини зиммасига олди. Шундан сўнг улар, яъни 5 нафар болгариялик ҳамшира ва бир нафар ливиялик шифокор Болгарияга келтирилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ливиялик шифокорга Болгария фуқаролиги берилди.

Мамлакат президенти Георгий Пирванов эса уларни афв этди, дейилади «AFP» АА ахборотида.

БОШ ВАЗИРЛИККА НОМЗОД

ЎЗ ВАТАНИ МАДҲИЯСИНИ БИЛМАЙДИ

Бельгиянинг «RTBF» давлат телеканали хабар беришича, бош вазирликка номзодини илгари сурган, июнда бўлиб ўтган парламент сайловларида ғолиб чиқиб, парламентдаги 30 ўринни эгаллашга муваффақ бўлган фламанд христиан-демократлар етакчиси Ив Летерм ўз давлати мадҳиясини билмас экан.

Телеканал хабарига кўра, журналист «Нима учун 21 июль Бельгиянинг миллий байрами сифатида нишонланади» деган савол билан унга мурожаат этган. У бўлса, шу куни Конституция қабул қилинган, деб жавоб беради. Аслида эса Бельгиянинг

биринчи қироли Леопольд I 1831 йил 21 июль куни қасамёд қабул қилгани боис ўшандан бери шу кун миллий байрам сифатида нишонланади.

Шундан сўнг журналист давлат мадҳиясини билиш-билмаслигини сўрайди. У эса оз-моз билишини айтади ва бир бандини куйлаб беради. Лекин, афсуски, у куйлаган мадҳия Бельгияники эмас, балки французларнинг давлат мадҳияси — «Марсельез» эди.

«Ажойиб топилма»га эга бўлган журналист бу хабарни дарҳол телевидение орқали бериб юборди ва қарабсизки, бутун дунёга тарқалиб кетди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 21 июль Бельгияда қандай байрам эканлигини ҳамма ҳам билавермас экан. Статистика маълумотларида қайд этилишича, бельгияликнинг ҳар бештадан биригина 21 июль қандай кун эканлигини биларкан.

ЭРОНГА ҚАРШИ УРУШ

ОЧИШНИ ТАҚИҚЛАБ ҚЎЙМОҚЧИ

АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатаси котибиятидан олинган манбаларга асосланиб, «Новости» АА хабар тарқатишича, Конгресс рухсатисиз Оқ уй маъмуриятининг Эронга қарши уруш очишини тақиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси яна Вакиллар палатасига демократлар томонидан киритилди. Худди шундай қонун лойиҳаси АҚШ Сенатига ҳам тақдим этилди.

Бу президент Жорж Бушнинг Эронга нисбатан юритаётган қатъий сиёсатини жиловлаш, яъни президент «қўлини боғлаб қўйиш» учун демократларнинг тўртинчи уринишидир.

Оқ уй маъмурияти эса ушбу чекловга қарши фикр билдириб, буни Конгресс томонидан президент ваколатларига дахл қилиш, дея баҳолади.

Аммо демократлар ҳам бўш келмай, АҚШ Конституциясига кўра, ўзга давлатга уруш эълон қилиш фақат Конгресс ваколатига киришини эслатиб қўйишди.

ҲАР УЧ УКРАИНДАН БИРИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСТЕЪФОСИНИ ХОҲЛАР ЭКАН

«SOCIUM» маркетинг ва ижтимоий тадқиқотлар маркази ўтказган сўров натижаларига кўра, 63,7 фоиз украиналик мамлакатнинг амалдаги президенти Виктор Ющенко истеъфосини хоҳларкан ва агар импичмент эълон қилинса, импичментни қўллаб-қувватлашини билдирган. 27 фоизи эса президент тарафдори эканлигини изҳор этган.

56,8 фоиз иштирокчининг фикрича, Олий Радага навбатдан ташқари сайловлар ўтказиш шарт эмас.

«REGNUM» АА хабар беришича, шунингдек, сўров иштирокчиларининг «зарғалдоқ инқилоб»ига муносабати ҳам сўралди. 55,4 фоиз қатнашчи унга қарши фикр билдирган. Фақат 11,4 фоизигина инқилобни ёқлашини айтган.

Сўровда Украина сиёсатдонларига халқ ишончи қай даражадалигини аниқлашга, яъни сиёсатдонлар рейтингини белгилашга ҳам ҳаракат қилинди. Маълум бўлишича, 33,3 фоиз иштирокчи республика бош вазири Виктор Януковичга ишонишини билдирган бўлса, Украина Компартияси етакчиси Петр Симоненкога 14,3 фоиз қатнашчи ишонч билдирган. Кейинги ўринлар қуйидагича бўлди: Олий Рада депутати Ринат Ахметов — 11,8 фоиз; Юлия Тимошенко блоки етакчиси Юлия Тимошенко — 10,6 фоиз; президент Виктор Ющенко — 8,2 фоиз; Олий Рада спикери Александр Мороз — 5,9 фоиз.

Сўров шу ойнинг биринчи ўн кунлигида, бутун Украина ҳудуди бўйлаб ўтказилди. Унда 12690 нафар иштирокчи қатнашди.

Бугунги Бомбей



МАЛИКАСИ

табга чиқолмаган ногирон болалардан ўн нафарини 1-синфдан 3-синфгача ўқитиб, турли фанлардан сабоқ олишида ёрдам берди. Кейинчалик уларнинг олтитаси ўрта мактабларда ўқий бошлади.

Марказ қошида очилган компьютер саводхонлиги, миллий ҳунармандчилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги ва расм тўгаракларида ҳунар ўрганган хотин-қизлар ва ўғил болаларнинг аксарияти бугунги кунда мустақил равишда ўз маҳалла ва гўшасида фаолият юритмоқда. Энг қувончлиси, хиҳолат тортишди. Ахир «қўлидан нима ҳам келарди, шунча жойга ким олиб келиб ким олиб кетади, овора бўлиб ҳунар ўргангани билан кимга фойдаси тегади?» деганлар ўғил ё қизининг дуппадуруссгина истеъдод соҳиби эканлигини кўриб...кўзларига ёш олгани ҳам рост.

— Олти йил орасида марказимизда юзлаб аёллар ва болалар турли хил йўналишлар бўйича ҳунарлар ўрганишди, — дейди Зуҳра опа фахрланиб. — Шуларнинг мингта яқини компьютер саводхонлиги, салкам етти юзтаси миллий ҳунармандчилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, 30 таси эса расм чизиш бўйича моҳир устозлардан сабоқ олишди. Бугун улар орасида ўз маҳалла-қўйида махсус устахона ва цехлар очиб, оиласига яхшигина даромад келтираётганлари ҳам бор.

Биз фақат ҳунар ўргатибгина қолмасдан, балки ҳомийлар ёрдамида турли хил хайрли тадбирлар ҳам ўтказдик. Жойларда марказимиз филиалларини очиб, бизларнинг имкониятимиз чекланганини эмас, аксинча, чекланмаганини исботладик. Паркент туманидаги Сўқоқ қишлоғида яшовчи Баҳром Акрамов, Бахтиёр Ҳожибоев, Зуҳриддин Соттиев ҳамда пойтахтимизда истиқомат қилувчи 36 нафар аёллар ва болаларга ногиронлик аравачалари-ю, юрадиган махсус мосламалар марказимиз томонидан хайрия сифатида тарқатилди...

Қаҳрамонимиз бу мисолларни бирма-бир айтар экан, эътибор қилдим, бирон гапида ана шу савобли ишларнинг бошида бевосита ЎЗИ турганини айтмади. Охири сўрадим: «Эсланг, бундан ўн беш йилча аввал ўзингизга фақат ўзингиз суяниб, «энди ҳеч кимга керак эмасман» дея тушкун кайфиятга тушиб қолганингизда бир кун келиб қўлингиздан шунча ишлар келиши ҳеч хаёлингизга келганмиди?»

Бироз ўйланиб қолган опа сокин овозда гап бошлади:

— Мен ўтган кунлари билан яшаётган аёлман. Йўқ, қандай унутай у кунларни. Хотирамдан ўчириб ташлашнинг имкони йўқ-ку! Ҳали-ҳали ишонгим келмайди. Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган лаҳзаларда шунчалик ҳаприқиб кетганманки, нафасим бўғзимга, юрагим кўксимга сиғмасди. Бу юксак тоғни, бу буюк бахтни шунчаки қарши олиб бўлармиди ахир? Ўйласам, бекорга энтикмаган эканман. Биласизми, одамнинг сабри, иродаси чексиз ва тенгсиз, мақсади буюк бўлса, албатта кўзлаган чўққисига чиқади. Навоий ҳазратлари ҳам бежизга «юз йил яшамоқ учун юз йил сабр қилмоқ керак» демаганлар. Шу боис аввало ўз САБРИМ ва ИРОДАМга, шунингдек, шу улуғ юртда туғилганимга, яшаётганимга, мамлакатимнинг озод ва обод кунларини кўрмоқлик насиб этганига такрор ва такрор шукроналар келтираман. Қолаверса, менга дилдош, елкадош бўлган одамларга бошим ерга теккунича таъзим қиламан. Ўзбекистон Қаҳрамони Николай Кучерский, Фарида опа, Ҳондамир синфдошим, Шуҳриддин укажоним, тадбиркорлардан Фарруҳжон, Феруза Худойқулова, раҳматлик Ҳасан акалар... Эҳ-е, бундайларни бирма-бир санасам, саноқ етармикан? Бири кўнглимни кўтарган бўлса, яна бири қўлида кўтариб авайлаб, ардоқлади. Бошқалари қўлларидан келгунича ҳам моддий, ҳам маънавий томондан катта ёрдам берди. Бир нечта хорижий давлатларга бориб, ўз тажрибам ҳақида, шунингдек, юртимизда нодавлат ва нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ибратли ишлар хусусида гапириб бердим. Аслида бизнинг халқимиз ўзи шундай, қўли очиқ, меҳр-шафқатли, ёлғиз қолдирмайди ҳеч кимни. Йиғласангиз овутади, йиқилсангиз суяйди...

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

...Бу тиниб-тинчимас аёл учун «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг эрта баҳори яна хайрли келди: Бир йил аввал энди пойтахт миқёсида эмас, балки республикамиз шаҳар-қишлоқларида яшаб, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланиб келаётган ўзига тақдирдош бўлган инсонларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, уларнинг ҳам жамият ҳаётида ўзига яраша ўрни борлигини кўрсатиб берадиган умидбахш режалари амалга ошди. Яъни шу йилнинг 27 феврали **(Яна эътибор беринг: Уйғониш фасли баҳорнинг бошланишига бир кун қолганида — муал. изоҳи)**да республика Адлия вазирлиги Зуҳра Раҳматуллаева ташаббуси билан тузилган «Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси»ни рўйхатга олди.

Ўтган беш ой орасида нафақат пойтахтда, балки мамлакатимизнинг турли вилоят ва туманларида ҳам мазкур ассоциациянинг филиаллари очилиб, аллақачон катта ишлар бошланиб кетди. Ана энди яна Тошкентнинг Яккасарой туманидаги Ботир Бобоев кўчасидаги мўъжазгина 142-уйда жойлашган қутлуғ гўша гулларга, раҳмату олқишларга тўлаяпти.

Норқобил ЖАЛИЛ.

3

4

ШЕРДОР МАДРАСАСИ

БЕЗАКЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲАЙРАТОМУЗ СИРЛАРИ ҲАҚИДА



Кўҳна Самарқандда қад ростлаб турган ҳар бир обида мўъжизага қиёс этгулик. Ложувард гумбазларнинг неча асрдирки, инсониятни лол қолдириб келаётгани янада ҳайратли. Зеро, олимлар қадимий меъморчиликка хос безак, нақш ва ранглар жилосига яширинган маъноларни очиш йўлида изланишмоқда. «Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами» китобининг чоп этилиши ҳам фикримиз далилидир.

— Шердор мадрасаси пештоқидаги нақшинкор манзара кимларни маҳлиё этмаган дейсиз, — дейди китоб муаллифларидан бири Саидахбор Булатов. — Мазкур китобимизда меъмор ва уста наққош, ганчкор ҳамда халқ усталари билан ҳамфикр тарзда изланиб, суратлар сийратига яширинган маънолар ечимини очишга эътибор қаратдик. Бу борада айниқса, қадимшунос олим Комилхон Каттаевнинг маслаҳатлари асқотди. Мадрасанинг майда кошинли безакларининг биринчи ва иккинчи қатламидаги маъно ва ҳикматларни ўрганишда ўша даврга хос ҳаттотлик анъаналарини ўрганишга тўғри келди. Энди безакларнинг учинчи қатламига сингдирилган маъно ва ҳикматлар эса мадраса қурилган даврга оид маълумотларни ойдинлаштириш, тасвирдаги ҳар бир нуқта, белги ва ранглар уйғунлигини очишни тақозо этди.

— Демак, мадраса пештоқидаги безаклар талқини ўзига хос «нақш тили» орқали яширинган экан-да?

— Ҳа, ислом маданиятида фикр ва нарсалар кўриниши рамзий-тилсимий мазмун қобиғига эга. Уста меъморлар яратган ажиб кошона, сарой, эҳром, мадраса ва миноралар тараққиётнинг турли даврларидан дарак берувчи хазинадир. Шунинг учун ҳам безакларда фалсафий ечим бор деган хулосага келдик. Тажрибали устозларнинг фикрларига кўра, ўтмишда наққошлик санъати шунчалик ривожланганки, безаклар «тили»ни англаш мумкин бўлган. Хусусан, геометрик нақшлар — нуқта, тўғри ва эгри чизиқ, учбурчак, айланаларда бир маъно англашилса, гул, узум, куртак, олма, анор, ярпоқ нақшларида ўзига хос қадимий ҳикмат яширинган. Шунингдек, қуш, ҳайвонлар тасвирида ҳам маънолар уйғунлиги бор.

— Регистон майдонидаги гўзал меъморчилик обидалари ҳақида ҳам гапириб бермасангиз?

— Бу майдондаги Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари Самарқанд меъморлари ижодининг нодир намунасидир. Қизиғи шундаки, ушбу бетакрор обидаларда меъморчилик санъатига қуёш ва шер рамзини сингдирицга ҳаракат қилинган. Чунки, шер — куч, қудрат рамзи бўлса, қуёш тимсоли олам ва боқийликни билдирган. Бундан «Буюк ва қудратли давлат» маъносини англаш мумкин. Манбаларга кўра, Самарқанд меъморлари қудрат рамзи сифатида мадраса равоғига қуёш тагида оҳуга ҳамла қилаётган шерни ифодалашган. Мадраса эса самарқандлик меъмор Абдулжаббор лойиҳаси бўйича ўн тўққиз йилда қурилган экан. Безак устаси Муҳаммад Аваз бўлган. Уларнинг номлари мармар панжарали деразалар теграсига битиб қўйилган.

— Мазкур обидаларга ишланган нақш ва безаклар тимсолида поклик, рўшнолик, мардлик, инсонпарварлик ва порлоқ келажакдан сўзловчи фалсафий ҳикмат тасвирлари ифодаланган, дейишга асос борми?

— Шердор мадрасасидаги безак мураккаб композицияга эга бўлиб, таҳлил ва хулоса чиқариш учун нафақат санъатшунослик илмидан, балки фалакиёт, математика, ислом дини таълимотидан хабардор бўлиш лозим. Мадраса пештоқидаги безакларда уста-меъморлар нақш, ранг, рамзийлик ва руҳшунослик илмларини уйғунлаштириб, фалсафий ҳикматни сингдира борган. Бу безакларда ўзига хос вазифа юки бор, дейиш мумкин. Аввало безак томошабинга эстетик руҳ бағишлайди. Зиё ёрдамида руҳий поклик, комилликка чорланади.

Хўш, тасвирдаги йўлбарснинг бош қисми нега шерга айланиб қолган, деган саволнинг туғилиши табиий. Агар тасвирни схематик ифодалайдиган бўлсак, унда шер (инсон) — қуёш (зиё), оҳу (руҳий поклик) — рамзи намоён, яъни комиллик ҳикматини ўқиш мумкин. Демак, «Инсон умри давомида зиё орқали руҳий покликка эришади, сўнгра у комиллик даражасига етади» деган фалсафий ғоя илгари сурилган.

Яна тасвирдаги яширин рақамлар ҳикматини очишга тўғри келди. Айтайлик қуёш, шер ва кийик 12 буржлик ҳижрий йил ҳисобига ишора. Қуёш — ҳижрий-шамсий (қуёш) йили, кийик (жадий) бўлиб, ўнинчи ойдир. Буларнинг сири шундаки, йўлбарс мучаллар бўйича учинчи ўринда бўлса, буржлар орасида шерники бешинчидир. Агар иккала рақам қўшилса саккиз бўлади. Саккизинчи ой август бўлиб, бунга оҳу учун қўйилган ўн рақамини қўшсак ўн саккиз ҳосил бўлади. Шу тариқа мадрасани қурдирган Ялангтўш Баҳодир августнинг 18 куни таваллуд топганлигини билиб оламиз. Бу шамсий йил ойлар жадвалида ҳам ўз аксини топган: август — асад ойи, унсури олов, юлдузи қуёш, буржи арслон...

Хуллас, мадраса пештоқидаги нақшинкор тавсирлар ғояси инсонларни фақат бойлик кетидан қувмасликка, ҳақиқий бойлик маънан ва руҳий бойлик эканига ишорадир.

Ҳайдар НОСИРОВ суҳбатлашди.

Аббос Бакиров номидаги Андижон давлат ёшлар театрида «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» шиори остида мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган энг яхши қўшиқ кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 40 нафардан ортиқ истеъдодли ижрочи иштирок этди. Бу ерга йиғилган қўшиқ санъати ихлосмандлари, мусиқа мактаблари ва санъат коллежлари ўқувчи ҳамда ўқитувчилари ҳар бир қатнашчининг чиқишини қизғин кутиб олди. Танловда Ўзбекистоннинг гўзаллиги, истиқлолимизни, жонажон ўлкамизга бўлган муҳаббат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик каби қадриятларни мадҳ этувчи янги қўшиқлар янгради.

— Кўрик-танловда таниқли ижрочилар билан бир қаторда ёшлар ҳам иштирок этди, — дейди Андижон вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маннон Ҳамидов.

Ғолиблар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

С.ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

МУЗЕЙДА КЎРГАЗМА

Зомин туман ўлкашунослик музейида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмадан жиззахлик рассомларнинг она-Ватанга муҳаббат, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, миллий қадриятларимизга эҳтиром ифода этилган санъат асарлари жой олган.

Таниқли рассом, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Ботир Зокиржоновнинг «Хўжаимушкент», «Сардоба» асарларида тарихий масканлар таровати, «Оналик», «Менинг муҳаббатим» портретларида эса замондошларимиз қиёфаси акс эттирилган. Мойбўёқда ишланган бу асарлар томошабинлар эътиборини тортмоқда.

— Музейимиздаги кўргазма зали доим санъат муҳлислари билан гавжум, — дейди Зомин ўлкашунослик музейи ходими Ойгул Мусулмонова. — Жиззахлик ижодкорлар асарлари намойиш этилаётган ушбу кўргазма кенг жамоатчиликда, айниқса, ўқувчи-ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

МАВСУМ СОЗ ЎТМОҚДА

Уйчи туманининг Саку қишлоғида жойлашган «Хумо» болалар оромгоҳида айни кунларда 280 нафар ўғил-қиз таътилни мароқли ўтказмоқда.

— Оромгоҳимизда нафақат туманимиз, балки вилоятнинг бошқа туманлари ўқувчи-ёшлари ҳам ҳордиқ чиқаради, — дейди унинг раҳбари Баҳодиржон Фузалов. — Жумладан, Наманган туманидан 150 нафар ўқувчини қабул қилиб олдик.

Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Уйчи туман кенгашига қарашли мазкур оромгоҳда дам олувчиларга қирқ уч нафар малакали тарбиячи хизмат кўрсатмоқда. Барчиной Болтабоева бошчилигидаги тиббиёт ходимлари болалар саломатлигини мунтазам назорат қилиб борса, ҳамшира Юлдузхон Бозорова, бош етакчи Наргизахон Қодирова томонидан уюштирилаётган турли тадбирлар болажонларнинг кўнгилли дам олишларини таъминлаяпти.

Суратларда: Уйчи туманининг Саку қишлоғида жойлашган «Хумо» болалар оромгоҳи фаолиятидан лавҳалар.

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

«МАЗЗА ҚИЛИБ ДАМ ОЛДИК»

ДЕЙИШМОҚДА ХЎЖАЙЛИДАГИ МЕҲРИБОНЛИК УЙИ БОЛАЛАРИ

Яна бир ўқув йилини муваффақиятли тамомлаган ўқувчи-ёшлар ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда. Кимдир соғломлаштириш оромгоҳларида, айримлар ота-онаси бағрида ва яна бошқаси қишлоқда истиқомат қиладиган бобоси ва бувиси ёнида дам олмоқда. Аммо ота-она меҳрига муҳтож, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар ҳам борки, уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолгани йўқ. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига асосан улар имтиёзли равишда оромгоҳларда дам олишяпти. Жумладан, яқинда Хўжайли туманидаги 1-сонли Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 90 нафар ўғил-қиз Тўрткўл туманидаги «Лочин» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқардилар.

— Бу йилги ёзги таътил ҳар доимгидан ҳам ўзгача ташкил қилинди, — дейди Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Набира Емберганова. — Оромгоҳ тарбиячилари ўғил-қизларимизни худди ўзларининг фарзандларидек қабул қилиб, меҳрибонлик кўрсатишди. Куну тун бошларида парвона бўлиб, кўнгилли дам олишлари учун барча шароитларни яратиб бердилар.

Хуллас, оромгоҳда дам олиш махсус дастур асосида ташкил этилди. Турли спорт мусобақалари билан биргаликда Хива шаҳридаги тарихий ёдгорликларга уюштирилган саёҳат ҳам болалар учун бир умр эсда қоларли бўлди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Болалар спорти

БУХОРОДА

ЯНГИ ТЕННИС МАЖМУАСИ

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри яна бир янги, замонавий теннис мажмуаси билан бойиди. «Ўзжамоалойиҳа» институти вилоят филиали лойиҳаси асосида қурилган бу спорт иншооти шаҳарнинг Абдулхолиқ Ғиждувоний шоҳкўчасига янада чирой бахш этди.

Теннис корти қурилишида «Бухорогазсаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, 1-«Бухороқурилиш»нинг 201-, 2-«Бухорожамқурилиш»нинг 51-, «Амубухороканалқурилиш»га қарашли 1-, 6-кўчма механизациялашган жамланмалар, «20-Трест» масъулияти чекланган жамият ва бошқа қатор ташкилотлар фаол қатнашдилар. Улар меҳнати эвазига атиги беш ойда йирик мусобақалар ўтказиладиган ажойиб теннис мажмуаси вужудга келди.

— Илгари ҳам шаҳримизда ҳавас қилса арзигулик «Хумо» теннис мажмуи бор эди, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Садриддин Шаропов. — Саккиз йилдан буён Бухорода халқаро «Челленжер» турнири ўтказилаётгани бунга эҳтиёж туғдирди. Янги мажмуа 8 кортдан иборат бўлиб, унда ҳамма қулайликлар яратилянти.

Биргина бу эмас. Кортларга Германияда тайёрланган сунъий қопламалар ётқизиш, 1200 томошабин учун пластмасса ўриндиқлар ўрнатиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Мустақиллик байрамига муносиб туҳфа бўлган бу мажмуада яқинда навбатдаги анъанавий халқаро «Челленжер» мусобақаси ўтказилади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

AFC ASIAN CUP 2007 — 7–29 July — INDONESIA MALAYSIA THAILAND VIETNAM

НАВБАТ — ФИНАЛГА

Кеча футбол бўйича XIV Осиё чемпионати баҳсларининг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди.

Дастлаб Куала-Лумпур (Малайзия)да Ироқ — Жанубий Корея терма жамоалари ўзаро куч синашди. Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг декабрида Қатарда ўтказилган Осиё ўйинларида ҳам бу икки юрт вакиллари ярим финалда рўбарў келишган. Унда ироқликлар кичик ҳисобда (1:0) ғалаба қозонишганди. Бир ой муқаддам бу жамоаларнинг Сеулда ўтказилган ўртоқлик учрашувида Жанубий кореяликлар 3:0 ҳисобида зафар қучган эди. Шу боис, ярим финалнинг мазкур жуфтлиги баҳсига қизиқиш катта бўлди. Ҳужумкор руҳда кечган ўйиннинг асосий ва қўшимча вақтида ҳисоб очилмади. Пенальтилар сериясида эса омад ироқликларга кулиб боқди — 4:3.

Вьетнам пойтахти Ханойда бўлиб ўтган учрашувда Япония — Саудия Арабистони терма жамоалари иккинчи йўлланма тақдирини ҳал қилдилар. Чорак финалда ҳамюртларимиздан 2:1 ҳисобида устун келган саудияликлар бу сафар ҳам «қунчиқар юрт» вакилларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади — 3:2.

Энди 29 июль куни Жакартада ўтказиладиган финалда Саудия Арабистони — Ироқ терма жамоалари майдонга тушади. 28 июль куни эса Индонезиянинг яна бир шаҳри Палембангда бўладиган ўйинда Осиё кубоги баҳсларининг бронза медали соҳиби аниқланади. Ушбу учрашувда Жанубий Корея — Япония терма жамоалари ўзаро баҳс юритишади.

Эркин ХОЛБОБО.



Интер-спорт

БРАЗИЛИЯ ТЎПУРАРИ «СПАРТАК»ДА

Москванинг «Спартак» футбол клуби бразилиялик тўпурар Веллитон Соарес де Мораис билан шартнома имзолашга ҳозирлик кўрмоқда. 19 ёшли бу тўпурар 5 йил мобайнида йилига 600 минг евро миқдорида даромад олиб туради. Умуман шартнома баҳоси 6-7 миллион еврони ташкил этиши кутилмоқда. Айни пайтда Веллитон Соарес иштирок этаётган «Гояс» жамоаси Бразилия чемпионатида 13-турдан кейин олтинчи ўринни эгаллаб турибди.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 16-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимияти, «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари савдодан олинганлигини маълум қилади:

— 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ТН 379 бўлган, «ГАЗ-2410» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 1 500 000 сўм.***

— 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ТН 321 «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 3 000 000 сўм.***

Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонаси жамоаси Тошкент давлат маданият институти профессори **Эргаш ЙЎЛДОШЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL (Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649

8578 nusxada bosildi

1 — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22.40
Topshirilgan vaqti — 22.50
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda